

Маҳалла бешлиги иштирокида жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, "Обод маҳалла ва хавфсиз ҳудуд" тамойили асосида йиғилиши ўтказилди.



Мазкур йиғилишда вилоят прокуратураси бўлим бошлиги С.Алиев, тумандаги сектор раҳбарлари, ҲМКО ходимлари, туман ҳоким ўринбосарлари, маҳаллаларидаги бешлик, Ёшлар агентлиги туман бўлими, раҳбари, ХТБ ва туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти, диний вакиллар ҳамда алоқадор ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилиш танқидий руҳда ўтказилиб, унда туман бўйича содир этилган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар, ушбу жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари муҳокама этилди. Шунингдек, бу борадаги келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.